Изланишлар давомида Қорақалпоғистон Республикасининг жанубий туманларининг суғориладиган ерлари аэрация қатламида тупроқларнинг қалинлиги, механик таркиби, жойлашишига ва сизот сувларининг сатҳига кўра асосан 9 та: I, II, III, IV, V, VI, VII, VIII ва IX гидромодуль районларга ажратилиши мумкин. Қорақалпоғистон Республикаси бўйича 3 метр чуқурликдаги сизот сувлари худуднинг 2,14 % (I, II ва III) ни ташкил қилади. 2-3 метр чуқурликдаги сизот сувлари жами худуднинг 15,86 % (IV, V ва VI) ни ташкил қилади. Қолган 82,01% и 1-2 метр чуқурликдаги сизот сувлари жойлашган VII, VIII ва IX гидромодуль районларга тўғри келганлиги аниқланган. Яъни Қорақалпоғистон Республикасининг жанубий туманларини 0,50% и I, 1,36% и II, 0,28% и III, 4,98% и IV, 9,5% и V, 1,37% и VI, 25,78% и VII, 34,37% и VIII ва 21,86% и IX гидромодуль районларга мансуб

Тажриба даласининг сизот сувлари сатҳи чуқурлиги ва минерализациясининг ўзгаришини аниқлаш учун барча вариантларга кузатув кудуқлари (2-расм) ўрнатилиб, уларда ҳар 10 кунда сизот сувининг сатҳи ўлчаб борилди ҳамда олинган сув намуналари кимёвий таҳлил қилинди



2-расм. Кузатув кудуғи

УмумКн, тКкрибК дКпКмдК Мзот МувлКри Мжтхининг ўзгКриш динКмикКМни ў гКниш нКтижКпКри бўйичК куйидКилКрини хулШК қилиш мумкин тКкрибК дКпКмдК Мзот МувлКрининг О юзКМдКн энг чуқур жойлКшиш дКври октябрь вКноябрь ойлКридК О юзКМгК энг яқин жойлКшКн дКври эМж гўзКнинг вОСКция дКври Г июнь, июль вК вгуст ойлКридК тКкрибК дКпКмдК ҳамдК унК тутКшКн худудК МғШиш ишлКри олиб борилиши, МғШиш тизимлКрини кКтК юк билКн ишлКши вК МзилишгК йўқШилиш юқШи бўлКн дКврдК кузКтилди



Тажриба даласи сизот сувлари сатхининг ўзгариши, см


ТКкрибК дКпКмдК Мзот МувлКри мино жизКцияси вОСКция бошидКк, 6к,4 г/л ни тКшкил қилиб Г (фиг), тКмифи бўйичК кучМз ( 3 г/л) мино жКшКн химблКнКди

Туп Ш фКол кКлКмининг нКм тКқиМигини қШлКшК мўлжКлКнКн МғШиш меёрлКри билКн МғШилКн қ вК 3 вКрикнтлКрдК вегетКция охиридК Мзот МувлКрининг мине жКшКуви нимбКтКн кКм ўзгКрдиг ГнКШКт вКрикнтидК вК нКм тКқиМигини 30% гК ошириб МғШилКн 4 вКрикнтдК гўзК кКтК МғШиш меёрлКри билКн МғШилКнлиги учун Мзот МувлКрининг мине жизКцияси вегетКция охирикбориб, 3к,3к3,85 г/л гКК ортди, яни Мзот МувлКригКМғШиш МувлКри билКн биргКтуп ККги мКвжуд бўлКн МвдКэрувКн тузлК ҳам келиб кўшилиши кузКтилди

ТКкрибКпКрининг нКШ тКрикнтидК гўзКни кКтК МғШиш мОёрлКри билКн МғШиш нКтижКмдК ортиқК Мув Мрфи ҳамдК туп Ш тКрибидКги тузлК вК бошКк зКха ли моддКпКрининг Мзот МувлКри тКрибигК ювилиши нКтижКмдК Мзот МувлКрининг мино жизКцияси бошКк вК иКнтлКригК нимбКтКн юқШи бўлди 3 вКрикнтдК МғШилК ни ЧДНСгКниМбКтКн 70-80-90 % тКрибидК ўтКзишлК нКтижКмдК ортиқК Мув Мрфини ҳамдК



тупроқ таркибидаги захарли тузлар ва бошқа моддаларнинг сизот сувларига ювилиши нисбатан кам бўлди.



**3-таблица. Тажриба даласи Мавсумий туз тўпланиш коэффициенти минималлаштиришнинг ўзгариши**

Тажриба даласида тупроқнинг шўрланиши бўйича маълумотлар 4.9.1-жадвалда келтирилган бўлиб, тажриба даласида 1-назорат вариантынинг ҳайдалма қатлами (0-30 см) да вегетация бошида тупроқ оғирлигига нисбатан хлор-иони миқдори 0,010-0,012 % ни, тупроқнинг фаол қатламида (0-100 см) 0,009-0,011 % ташкил қилди. Ҳайдалма қатлам (0-30 см) да вегетация охирида тупроқ оғирлигига нисбатан хлор-иони миқдори 0,023-0,024 % ни, тупроқнинг фаол қатламида (0-100 см) 0,017-0,020 % ташкил қилди. Ҳайдалма қатламда вегетация бошида қуруқ қолдиқ 0,192-1,96% ни, тупроқнинг фаол қатламида эса, 0,167-1,72% ни ташкил қилди. Ҳайдалма қатламда вегетация охирида қуруқ қолдиқ 0,401-0,412% ни, тупроқнинг фаол қатламида эса, 0,352-0,362% ни ташкил қилди. Мавсумий туз тўпланиш коэффициенти ҳайдалма қатламда: хлор-иони бўйича 2,0-2,40 ва қуруқ қолдиқ бўйича 2,01-2,15 ни ташкил қилди. Тупроқнинг фаол 0-100 см қатламида тегишли равишда 1,82-1,90 ва 2,05-2,18 га тенг бўлди.

4-вариантда тажриба даласи тупроғининг ҳайдалма қатламида вегетация бошида тупроқ оғирлигига нисбатан хлор-иони миқдори 0,010-0,012 % ни, 0-100 см қатламида 0,009-0,011 % ни ташкил қилди. Ҳайдалма қатлам (0-30 см) да вегетация охирида хлор-иони миқдори 0,017-0,018 % ни, тупроқнинг фаол қатлами (0-100 см) да 0,014-0,016 % ташкил қилди. Ҳайдалма қатламда мос равишда қуруқ қолдиқ 0,192-0,196 % ва 0,341-0,354 % ни ташкил қилди. Тупроқнинг фаол қатламида қуруқ қолдиқ вегетация бошида 0,167-0,172 % ни ва охирида 0,248-0,289 % ни ташкил қилди. Мавсумий туз тўпланиш коэффициенти ҳайдалма қатламда хлор-иони бўйича 1,50-1,80, қуруқ қолдиқ бўйича 1,74-1,83 ни ташкил қилиб, 0-100 қатламда эса, 1,40-1,67 ва 1,48-1,73 га тенг бўлди.

4-жадвал

**Тажриба даласи тупроқнинг туз қўшимининг ўзгариши, %**

Вариант	Қатлам	Вегетация бошида		Вегетация охирида		Мавсумий туз тўпланиш коэффициенти	
		хлор-ион	қуруқ қолдиқ	хлор-ион	қуруқ қолдиқ	хлор-ион	қуруқ қолдиқ
2018-2020 йилларда ўртача							
1	0-30	0,011	0,1937	0,0237	0,407	2,16	2,08
	0-100	0,01	0,169	0,0187	0,3567	1,87	2,12
2	0-30	0,011	0,1937	0,0207	0,3733	1,89	1,93



қоқ9йыл												
1	97,4	3,2	9,1	36,5	82,6	98,7	6,3	10,1	5,7	9,7	2,0	95,2
2	98,6	3,4	9,0	36,4	70,2	82,5	6,2	10,4	5,6	10,0	2,1	96,4
3	98,4	3,5	9,1	36,4	76,4	88,9	6,4	10,9	6,3	10,5	2,6	96,9
4	97,9	3,3	9,2	37,1	78,3	92,5	6,3	10,5	6,1	10,3	2,2	95,5
қоқ0йыл												
1	100,0	3,7	10,3	38,2	92,4	98,9	6,1	10,3	5,4	9,8	2,1	96,5
2	100,5	3,8	11,1	40,5	71,6	82,8	6,2	10,6	5,7	10,1	2,2	97,2
3	100,6	3,6	11,2	42,4	77,2	90,4	6,5	10,8	6,0	10,4	2,5	98,7
4	100,4	3,5	10,6	40,6	77,4	93,7	6,4	10,7	5,9	10,2	2,3	97,8

4.10.1-жадвал маълумотларига кўра, тажрибанинг 3- вариантыда ғўзанинг ўсиши ва ривожланиши бўйича энг яхши кўрсаткичлар олинди. 1- сентябр ҳолатига ғўзанинг бўйи 99,3-100 см ни, ҳосил шохлари 10,3-11,0 донани, кўсақларининг сони 9,9-10,7 донани ва очилган кўсақлар сони 2,1-2,6 донани ташкил қилди ҳамда, назорат вариантыга нисбатан ҳосил шохлари 0,5-0,7 донага, кўсақларининг сони 0,5-0,8 донага ва 1-сентябрда очилган кўсақлар сони 0,4-0,5 донага кўп бўлди

#### Хулоса

1. Тажриба даласида ғўзани суғоришда тупрокнинг суғоришдан олдинги намлиги ЧДНС га нисбатан 70-80-60 % бўлган 3-вариантда ғўза униб-чиқиш гуллаш даврида 633-643 м<sup>3</sup>/га суғориш меъёри билан бир маротаба суғорилди, гуллаш - кўсақ туғиш даврида 623-693 м<sup>3</sup>/га суғориш меъёрлари билан ғўза икки маротаба суғорилди ва ҳосил пишиш даврида 855-882 м<sup>3</sup>/га суғориш меъёри билан бир маротаба суғорилди. Мавсумий суғориш меъёри – 2789-2867 м<sup>3</sup>/га ни ташкил қилди ёки назорат вариантыга нисбатан 1877-1889 м<sup>3</sup>/га дарё суви иктисод қилинди ва ғўзадан юқори ҳосил олинди.

2. Тажрибанинг 3- вариантыда, вегетация бошида ғўза кўчатнинг қалинлиги гектар бошига 100,6-100,3 минг тупни ташкил этган бўлса, вегетация охирига бориб кўчатининг қалинлиги гектарига 98,5-99,3 минг туп бўлиб, камайиши бошқа вариантларга нисбатан паст бўлди. 1- сентябр ҳолатига ғўзанинг бўйи 87,8-90,4 см ни, ҳосил шохлари 10,8-11,3 донани, кўсақларининг сони 10,4-11,2 донани ва очилган кўсақлар сони 2,5-2,8 донани ташкил қилиб, тажрибанинг бошқа вариантларига нисбатан ўсиши ва ривожланиши яхши бўлиб, назорат вариантыга нисбатан ҳосил шохлари 0,5-0,9 донага, кўсақларининг сони 0,6-1,0 донага ва очилган кўсақлар сони 0,4-0,7 донага кўп бўлди.

#### Фойдаланган адабиётлар рўйхати

1. I Urazbaev, S Kasimbetova, G Akhmedjanova, Z Soniyazova. Development of agrotechnical methods and application of bioremediation plants in the lower areas of Amudarya. European Journal of Molecular and Clinical Medicine 7 (2), 844-849
2. M Khamidov, K Isabaev, I Urazbaev, U Islamov, A Inamov, Z Mamatkulov. Application of geoinformation technologies for sustainable use of water resources. European Journal of Molecular and Clinical Medicine 7 (2), 1639-1648
3. MK Khamidov, KT Isabaev, IK Urazbaev, UP Islomov, AN Inamov. Hydromodule of irrigated land of the southern districts of the republic of karakalpakstan using the geographical information system creation of regional maps. European Journal of Molecular and Clinical Medicine 7 (2), 1649-1657
4. I Urazbaev, S Kasimbetova, G Akhmedjanova, P Munisa, S Mardiev. Fundamentals of effective use of water resources of irrigated lands in South Karakalpakstan. Annals of the Romanian Society for Cell Biology, 5037-5044
5. I Urazbaev, S Kasimbetova, A Mamataliev, G Akhmedjanova. Hydromodule zoning southern karakalpakstan and optimal cotton irrigation regime. Annals of the Romanian Society for Cell Biology, 5055-5061


6. M Khamidov, K Isabaev, I Urazbaev, U Islamov, A Inamov, Z Mamatkulov. The Use Of Innovative Technologies In Water Use In Conditions Of A Shortage Of Water Resources. Nveo-natural volatiles & essential oils Journal| NVEO, 5190-5201
7. M Khamidov, I Urazbaev, S Xamidova. Hydro-modular zoning of irrigated lands in South Karakalpakstan and optimal irrigation regime for cotton. AIP Conference Proceedings 2612 (1), 030023
8. M Khamidov, B Matyakubov, N Gadaev, K Isabaev, I Urazbaev. Development of scientific-based irrigation systems on hydromodule districts of ghoza in irrigated areas of bukhara region based on computer technologies. E3S Web of Conferences 365, 01009
9. I Urazbaev, M Khamidov. Hydromodule zoning of irrigated lands in south karakalpakstan and the optimal mode of cotton irrigation. Cotton Science 2 (1)
10. И.К. Уразбаев, А.Б. Маматалиев. Режим орошения хлопчатника на орошаемых землях в южном районе каракалпакстана. Наука, инновации, образование: актуальные вопросы XXI века, 92-94
11. И.К. Уразбаев, А.М. Хамидов, Ш.М. Хамидова. Жанубий қорақалпоғистонда суғориладиган эрларни гидро-модулли раёнлаштириш ва пахта учун оптимал суғориш режими. Журнал агро процессинг 3 (4)
12. Khamidov, Mukhamadkhan; Matyakubov, Bakhtiyar;Gadaev, Nodirjon; Isabaev, Khasimbek; Urazbaev, Ilkhom. Development of scientific-based irrigation systems on hydromodule districts of ghoza in irrigated areas of bukhara region based on computer technologies. 4th International Scientific Conference on Construction Mechanics, Hydraulics and Water Resources Engineering, CONMECHYDRO 2022



**Хамидова Шахноза Мухамадханова**

. ошкент ирригация ва кишлоқ хўжалиги  
механизациялаш муҳандислар институти миллий  
тадқиқот университети катта ўқитувчиси

### ШЎРЛАНГАН ТУПРОҚЛАР ШАРОИТИДА ФИТОМЕЛИОРАЦИЯНИНГ САМАРАДОРЛИГИ САМАРАДОРЛИГИ

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.000000>

#### АННОТАЦИЯ

Дунёда глобал иқлим ўзгариши натижасида барча геотизимнинг ўзгариши, жаҳон океани сатҳининг кўтарилишини юзага келиши, муз ва доимий музликларнинг эриши, ёғингарчиликнинг бир текисда ёғмаслигининг ортиши, дарёлар оқими тартибининг ўзгариши ва иқлимнинг беқарорлиги билан боғлиқ бошқа ўзгаришлар ҳам юзага келмоқда. «Халқаро озик-овқат ва кишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО), «Халқаро атроф муҳит ва ривожланиш институти (International Institute for Environment and Development) ҳамда Жаҳон ресурслари институти (World Resources Institute) маълумотларига қараганда, дунёда суғориладиган майдонларнинг 30 % га яқини турли даражада шўрланган ерлардир.

**Калит сўзлари:** фитомелиорант, шўрланган майдон, сизот сувлари, минерализация, туз режими, суғориш меъёри.

**Хамидова Шахноза Мухамадханова**

старший преподаватель Национального исследовательского  
университета "Ташкентский институт инженеров ирригации и  
механизации сельского хозяйства"

### ЭФФЕКТИВНОСТЬ ФИТОМЕЛИОРАЦИИ В УСЛОВИЯХ ЗАСОЛЕННОЙ ПОЧВЫ

#### АННОТАЦИЯ

В мире в результате глобального изменения климата, изменения всех геосистем, подъема уровня Мирового океана, таяния льдов и постоянных ледников, увеличения неравномерности выпадения осадков, изменения стока рек и других изменений, связанных с нестабильностью климата также имеет место. «По данным Международной продовольственной и сельскохозяйственной организации (ФАО), Международного института окружающей среды и развития и Института мировых ресурсов, около 30% орошаемых площадей в мире имеют разную степень засоления.

**Ключевые слова:** фитомелиорант, засоленная площадь, подземные воды, минерализация, солевой режим, оросительная норма.



KCKQTHHSAznoza

“Tashkent institute of irrigation and agricultural mechanization engineers” national research university

## EFFECTIVENESS OF PHYTOMELIORATION IN SALINE SOIL CONDITIONS

## ANNOTATION

In the world, as a result of global climate change, changes in all geosystems, rising sea levels, melting of ice and permanent glaciers, increasing unevenness of precipitation, changes in river flow and other changes associated with climate instability are also taking place. “According to the International Food and Agriculture Organization (FAO), the International Institute for Environment and Development and the World Resources Institute, about 30% of the world’s irrigated areas have varying degrees of salinity.

**Key words:** phytomeliorant, saline territory, filtration water, mineralization, salt regime, irrigation rate.

**Кириш.** Сув ресурслари – ер шарида доимий ва табиатда айланиш жараёнида қайта тикланиб турадиган сув захилари ҳисобланиб, бунга асосан океанлар, денгиз ва дарёлар, ер остидаги сувлари, музликлар ҳамда атмосферадаги сувлар, шунингдек, тупроқ таркибидаги сув захиралари қиради. Сув захираларини миқдорини баҳолашда унинг доимий (статистик) ва қайтадан тикланиб турувчи сув ресурслари тушунчаси мавжуд.

З.Артукметов ва Х.Шералиевларнинг таъкидлашича доимий (статистик) сув захиралари статистик ҳисоблашларда фойдаланиладиган мавжуд барча сув миқдоридир. Қайтадан тикланиб турувчи сув ресурслари замонда (вақтда) ўзгарувчи, яъни бир турдан бошқа турга ўзгариб турувчи сувлар бўлиб, ер шарида сувнинг айланиши ҳамда куруқлик ва океанлар ўртасида сув алмашинуви натижасида ҳар йили тикланиб туради. У асосан дарёларнинг йиллик оқимида тенгдир.

Минераллашган коллектор-зовур сувларидан фойдаланиш мумкинлиги қатор тажриба станцияларида (Марказий мелиоратив, Фаргона, Бухоро, Хоразм) атрофлича ўрганилган. Баъзи маълумотлар коллектор-зовур сувларини тупроқ ва ўсимликка зарарли таъсир этишини кўрсатса, айримлари ижобий натижаларга эришиш мумкинлигини эътироф этади. Минераллашган сувлар- дан фойдаланиш самарасига экиннинг биологик хусусияти ва туз таъсирига чидамлилиги, тупроқнинг сув-физик хоссалари ва зовурлашганлик даражаси, сувнинг минераллашганлиги ва туз таркиби каби омиллар кучли таъсир этади.

Ўзбекистонда минераллашган сувлардан фойдаланиш миқдори йилнинг сув билан таъминланганлик даражасига бевосита боғлиқ ҳисобланади. Сирдарё вилоятида минераллашганлиги 1,39 (хлор – 0,16) г/л бўлган зовур сувлари йилига 2,5 км<sup>3</sup> дан ортиқ миқдорда деярли 3000 га ерни суғоришда қўлланилмоқда. Вертикал зовур сувлари Республика миқёсида 2 км<sup>3</sup> дан кўп бўлиб, уларнинг минераллашганлиги 0,5-1,14 (хлор – 0,02-0,11) г/л. ни ташкил этади.

Бугунги иқлим ўзгаришлари шароитида бутун дунёда сув ресурсларига бўлган талабнинг ортиб бориши глобал муаммоларни келтириб чиқармоқда. Сув танқислиги шароитида, қишлоқ хўжалик экинларидан барқарор ҳосил етиштириш, уларнинг ҳосилдорлигини ошириш ва сув танқислиги шароитида суғориш сувларидан самарали фойдаланиш, суғориш ва шўр ювишда ресурстежамкор технологияларни жорий қилиш, атроф мухитни муҳофаза қилиш ҳамда буларни амалга оширишда биологик усуллардан кенг фойдаланиш дунё илм фани олдида турган энг долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистонда етиштириладиган шўрланишга бардошли экинлардан асосий экинлар: кунгабоқар, арпа ҳамда қанд лавлаги ҳисобланади. Шунингдек, шўрланишга ўртача чидамли экинлардан асосан ғўза, маккажўхори, шоли, беда, буғдой, полиз экинларидан сабзи, пиёз, бодринг, картошка, помидор, қовун экинлари етиштириладиган бўлса, дарахт ва бутасимонлардан беҳи, жийда, анжир, анор ва узум етиштириб келинмоқда.

Тупрокнинг шўрланиши ошиб бориши билан бирга экинларнинг ўсиб-ривожланиши ва уларнинг ҳосилдорлигига салбий таъсири сезиларли даражада ошиб боради. Кўп йиллик тадқиқотлар натижасида қишлоқ хўжалиги экинларидан мош, маккажўхори, кузги буғдой кучли ва жуда кучли шўрланган тупроқларда деярли ҳосил олишнинг имкони бўлмаган. Ўртача даражада шўрланган тупроқларда яъни тупроқдаги қуруқ қолдиқ миқдори 0,6 % ни ташкил қилганда ҳосилдорлик 55 % дан 85 % гача камайганлиги кузатилади. Ғўза экинини етиштиришда ўртача ва кучли шўрланган тупроқларда ҳосилдорлик 50 дан 80 % гача камайганлиги кузатилади. Жуда кучли шўрланган тупроқларда ғўзанинг ҳосилдорлиги 90 % қисми нобуд бўлганлиги аниқланган. Маълумки, тупроқлар таркибида тузлар доимо ўзгарувчан бўлиб, коллектор-зовур тармоқлари мавжуд жойларда шўр ва экинларни суғориш, қатор ораларига ишлов беришлар тузларни камайишга олиб келади, аксинча коллектор-зовур тармоқларининг талаб даражасида ишламаслиги, минераллашган сизот сувларини ер юзига яқин жойлашиши, шўрни ювмаслик, экинларни қатор ораларига ва умуман ерга ишлов бермаслик туз тўпланишига сабаб бўлади. Натижада мавсум ёки бир йил давомида тузларнинг ижобий ёки салбий томонга ўзгариши кузатилади.

Бухоро вилоятида тақир-ўтлоқи тупроқлар тарқалиш майдони бўйича ўтлоқи аллювиал тупроқлардан кейинги иккинчи ўринда туради ва бу тупроқлар майдони 49,3 минг гектарни ташкил қилади. Бу тупроқлар вилоятнинг рельеф бўйича юқори қисмларини ўз ичига олган. Шунингдек, бу тупроқлар таркибида гумус миқдори 0,5 - 0,8 % ни ташкил қилиб, умумий азот 0,04-0,8 % фосфор эса 0,8-0,14 % ни ташкил этади. Механик таркиби оғир тупроқлар нисбатан кўпроқ Когон ва Вобкент туманларида, энгил механик таркибли тупроқлар эса Шофиркон, Жондор ва Қоракўл туманларида тарқалган.

Бухоро вилояти суғориладиган ерларининг мелиоратив кадастр маълумотларига кўра, 36,9 минг гектарини шўрланмаган майдон, 173, 04 минг гектар кучсиз шўрланган, 58,62 минг гектар майдон ўртача шўрланган ва 6,5 минг гектар майдон кучли шўрланган майдонларни ташкил этади (1- жадвал).

**ҚҒ адвал.**

**Бухоро вилоятида суғориладиган ерларнинг шўрланганлик даражаси бўйича тақсимланиши, минг.га**

Жами суғориладиган майдон	Шу жумладан				
	Жами шўрланмаган майдон	жами шўрланган майдон	Шундан		
			кучсиз шўрланган	ўртача шўрланган	кучли шўрланган
275109	36909	238200	173042	58624	6534

Келтирилган жадвал маълумотларини кўрсатишича вилоятнинг суғориладиган ерларини 87,7% ўтлоқи-аллювиал ва пойма-аллювиал тупроқлари ташкил этадиб, ушбу тупроқ турлари вилоятнинг Вобкент, Бухоро, Пешку, Қоракўл, Олот туманларида кенг тарқалган. Бу тупроқлар қадимдан суғориладиган, маданийлашган, унумдор тупроқлар бўлиб, хайдалма қатлам (0-40 см) таркибидаги гумус миқдори 0,86-1,6 % ни, умумий азот 0,06-0,12 % ни, умумий фосфор 0,11-0,18 % ни ташкил қилади.

Ўрганилаётган вилоятларнинг табиий шароитларини тахлили шуни кўрсатдики, Бухоро вилоятининг суғориладиган майдонларида энг кўп тарқалган тупроқлар: ўтлоқи аллювиал 205,5 минг га ёки (87,7 %), механик таркибига кўра тақир-ўтлоқи тупроқлар 49,3 минг гектар ёки 8 % ни; энг катта майдонлардаги сизот сувларининг минерализацияси 1-3 г/л, сатҳи 1.5-2.0 метр бўлган майдонлар 147,6 минг гектарни ташкил қилади. Дала тажрибалари ўтказилган далаларнинг тупроқ-гидрогеологик шароитлари Бухоро вилоятининг табиий шароитларига репрезентативлиги 51,4 % ни ташкил этди.

Шулардан келиб чиқиб, Бухоро вилоятининг ўтлоқи аллювиал ўрта қумоқ тупроқлар шароитида дарё сувларини иқтисод қилиш, сув танқислигининг салбий оқибатларини камайтириш, суғориладиган ерлардан олинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ҳажмини кўпайтириш ва аҳолини озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини қондириш, мамлакатимиз озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида сув ресурслари танқис ва шўрланган тупроқлар шароитида фитомелиоратив тадбирлар ёрдамида шўрланган тупроқларнинг тузини камайтириш, шўр ювишга сарфланадиган сувларни самарадорлигини ошириш, тупроқ унумдорлигини сақлаш ва ошириш, 1 га суғориладиган ерларнинг самарадорлигини ошириш долзарб муаммо бўлиб ҳисобланади.

Фитомелиоратив тадбирларнинг самарадорлигини ўрганиш бўйича илмий тадқиқот изланишлари Бухоро вилоятининг ўтлоқи аллювиал, ўрта даражада шўрланган, ўрта механик таркибли тупроқларида, сизот сувларининг жойлашиш чуқурлиги 1,5-2,5 м, минераллашганлик даражаси 3,0-5,0 г/л бўлган майдонларда фаолият кўрсатаётган фермер хўжаликлари ерларида амалга оширилди. Бунда етиштириладиган кузги буғдой ва ғўза экинларини ўзаро қисқа ротацияли алмашлаб экиш ҳамда кузги буғдойдан кейин такрорий экинларни фитомелиорант сифатида оқ жўхори (*Sorghum cernuum* Host) ҳамда мош (*Phaseolus aureus* Piper) етиштириш, унинг тупроқда мавсумий туз тўпланишга таъсирини аниқлаб, унга боғлиқ ҳолда шўр ювиш муддатлари ва меъёрлари ишлаб чиқилди. Илмий тадқиқот ишлари кузги буғдой даласида 2008-2011 йилларда ҳамда фитомелиоратив тадбирларни самарадорлигини ўрганиш бўйича тажрибалар 2009-2011 йилларда бажарилган.

Илмий тадқиқот ишлари Бухоро вилояти Бухоро туманида фаолият кўрсатаётган «Чорук ариғи» сув истеъмолчилари уюшмасига қарашли «Зариф ота» фермер хўжалигининг ўртача даражада шўрланган ерларидан танлаб олинган тажриба майдонларида қуйидаги тизим бўйича амалга оширилди (2-жадвал).

Тажриба далаларида қуйидаги кузатувлар, ҳисоблар ва ўлчовлар олиб борилди:

1. Тупроқнинг морфологик тузилиши тажриба қўйиш арафасида ўрганилди.

Бунинг учун сизот сувлари сатҳигача бўлган чуқурликда тупроқ қирқими олиниб, генетик қатламлар бўйича тупроқнинг морфологияси аниқланди.

2. Тупроқнинг механик таркиби тажриба қўйишдан олдин генетик қатламлар бўйича олинган намуналар бўйича Н.А.Качинский услубида аниқланди.

Тажриба тизими

Вариант рақами	Экин тури	Ўтказиладиган тадбирлар номи	Шўр ювиш
1	кузги буғдойнинг «Крошка» навини хўжалик шароитида етиштириш (назорат)	кузги буғдойдан сўнг, экин экилмайдиган шудгорлаб қўйиладиган дала, (назорат).	куз-қиш даврида хлор миқдори 0,01 % га етгунча шўр ювиш
2	кузги буғдойнинг «Крошка» навини ЧДНС га нисбатан 70-80-75 % да суғориш	кузги буғдойдан сўнг фитомелиорант экинни сифатида - оқ жўхори ( <i>Sorghum ceruum Host</i> ) экилган дала.	
3		кузги буғдойдан сўнг фитомелиорант экинни сифатида - мош ( <i>Phaseolus aureus</i> )	

3. Тупроқнинг ҳажмий оғирлиги бузилмаган намуналар олиш йўли билан аниқланди. Ҳар йили ўсув даврининг боши ва охирида 3 та такрорланишда тупроқнинг ҳар 0-10 см. дан 0-100 см. қатламида аниқланди.

4. Тупроқнинг 6 соатдаги сув ўтказувчанлиги ҳар йили тажриба боши ва охирида вариантлар бўйича аниқланди.

5. Тупроқнинг чегаравий дала нам сифими 2x2 м ўлчамдаги майдонга рамка қўйиш йўли билан тажриба бошида аниқланди.

6. Тупроқнинг намлиги суғоришлардан олдин систематик равишда термостатда куритиш йўли билан аниқлаб борилди. Тупроқ намуналари ҳар бир вариантда 3 та қайтариқда 1,0 м. ли қатламнинг ҳар 10 см қатламларидан олинди.

7. Суғоришлар муддати ва меъёрлари тажриба тизимига мувофиқ тупроқнинг суғориш олди намлигини ушлаб туриш ҳамда С.Н.Рыжов формуласи бўйича ҳисобланди.

8. Тажриба даласига берилаётган сув миқдори Чиполетти ( ВЧ-75 ) сув ўлчагичлари ёрдамида ҳисобга олиб борилди.

9. Сизот сувлари сатҳининг ўзгариши тажриба майдонида ўрнатилган 3 та кузатув қудуқлари ёрдамида аниқлаб борилди. Қувурлар 40 мм диаметрда бўлиб 3,0 м чуқурликка ўрнатилди. Қувурларнинг қуйи 1,2 м. ли қисми ғалвирак тешикчалардан иборат бўлиб, улар фильтр (капрон материал) билан ўралган, улардаги сизот сув сатҳи ҳар 10 кунда 1 марта ва суғоришлардан олдин ҳамда суғоришлардан сўнг 3 кун ўтгач ўлчаб борилди.

10. Сизот сувларининг минераллашганлик даражасини аниқлаш. Барча кузатув қудуқлари бўйича шўр ювишдан олдин ва кейин, ҳамда ўсув даврининг бошида ва охирида аниқланди (қуруқ қолдиқ ва хлор - иони).

11. Тажриба майдонидаги экинларни суғориш, озиклантириш ва бошқа агротехник тадбирлар, ушбу ҳудуд учун қабул қилинган технологик харита бўйича амалга оширилди.

12. Тупроқни туз режимини аниқлаш. Тадқиқотнинг бошланишида шўр ювишдан олдин ва шўр ювиб бўлингандан кейин ҳамда ўсув даврининг охиридан ҳар бир дала ва вариантлар бўйича тупроқ намуналари олинди. Намуналар ҳар 20 см чуқурликдан сизот сувларигача бўлган чуқурликда олинди ва қуруқ қолдиқ ҳамда хлор - иони аниқланади. Бундан ташқари ҳар бир вариантда шўр ювиш давомида хлор - ионининг ювилиш даражаси аниқлаб борилди (1 м. чуқурлик бўйича).

## Хулоса

1. Тадқиқотлар ўтказилган далаларнинг тупроқ-мелиоратив ва гидрогеологик шароитлари Бухоро вилоятининг табиий шароитларига репрезентативлиги 51,4 % ни ташкил этади.

2. Бухоро вилоятининг ўтлоқи аллювиал, ўртача шўрланган, ўрта кумоқ тупроқлар шаротида кузги буғдойнинг Крошка навини N250, P180, K90 кг/га меъёрида озиклантириш ҳамда суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 70-80-75 % да ушлаб туриб, 806-935 м<sup>3</sup>/га суғориш меъёрлари ва 4330 м<sup>3</sup>/га мавсумий суғориш меъёри билан суғориш натижасида, назорат вариантыга нисбатан хлор иони 0,005-0,006 % га, куруқ қолдиқ миқдорини 0,051-0,036 % га кам реставрация бўлиши таъминланди ҳамда дон ҳосили 60,5 ц/га ни ташкил қилиб, назоратга нисбатан 5,4 ц/га юқори бўлиши аниқланди.

3. Сув танқислиги шароитида кузги буғдойдан бўшаган далаларда фитомелиорант ўсимликлардан оқ жўхори ҳамда мошни такрорий экин сифатида етиштириш ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва ердан фойдаланиш самарадорлигини ошишини таъминлайди. Кузги буғдойдан сўнг оқ жўхори ўсимлигини N150, P100, K60 кг/га озиклантириш меъёрида ва суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 70-70-65 % да ушлаб туриб, 820-1024 м<sup>3</sup>/га суғориш меъёрлари ва 1808 м<sup>3</sup>/га мавсумий суғориш меъёри билан суғориш ундан 47,4 ц/га дон ва 226,2 ц/га пичан ҳосили олиш ҳамда мошни N150, P100, K60 кг/га озиклантириш меъёрида ва суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 70-70-65 % да ушлаб туриб, 860-960 м<sup>3</sup>/га суғориш меъёрлари ва 1840 м<sup>3</sup>/га мавсумий суғориш меъёрида суғориш 21,8 ц/га дон ва 15,1 ц/га пичан ҳосили олишни таъминлайди.

## Фойдаланган адабиётлар рўйхати.

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган концепциясини тасдиқлаш тўғрисидаги ПФ-6024-сон Фармони.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисидаги ПФ-5853-сон Фармони.

3. Ўзбекистон Республикаси сув хўжалиги вазирлигининг “Қишлоқ хўжалиги экинларини суғориш тартиблари” бўйича тавсиялари. Т. 2020.

4. Абдурахмонов С.О. Тошкент вилоятининг типик бўз тупроқлари шароитида кузги буғдойнинг «Санзар-8» навини экиш муддати, маъдан ўғитлар меъёри ва суғориш тартибининг унинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига таъсири: к.-х. фан. номз. дисс. автореферати. – Тошкент: ЎзПИТИ, 2004. 15-16-б.

5. Абдуназаров С., Бобоев С. Ўзбекистоннинг суғориладиган майдонларида кузги юмшоқ буғдой кўчат қалинлигининг ҳосилдорлигига таъсири. Ўзбекистон аграр фани хабарномаси. Тошкент, 2003. №2 (2) 17-20-б.

6. Авлиёқулов А.Э. Алмашлаб экишда зироатларни суғориш. «Мехнат» нашриёти. Тошкент, 1988, 163-164-б.

7. Авлиёқулов А.Э., Баталов А. ва б; Ғўзанинг ўрта толали “Бухоро-6” навини парваришlash агрогадбирлари тизими .Фермер хўжаликларида пахтачилик ва ғаллачиликни ривожлантиришнинг илмий асослари: Халқаро илмий-амалий конференция маърузалари асосидаги мақолалар тўплами. -Тошкент, 2007. 238-239-б.

8. Авлиёқулов А.Э., Истомин В.М. ва бошқалар-“Ғўзанинг ўрта толали “Денов” навини парваришlash агрогадбирлари тизими” //Тупроқ унумдорлигини оширишнинг илмий ва амалий асослари: Халқаро илмий- амалий конференция маърузалари асосидаги мақолалар тўплами. 1.Т. Тошкент, 2011. 304-310-б.



**Хамидова Шахноза**

“Тошкент ирригация ва кишлоқ хўжалиги  
механизациялаш муҳандислар институти” миллий  
тадқиқот университети катта ўқитувчиси

## КУЗГИ БЎҒДОЙНИНГ "КРОШКА" НАВИНИ СУҒОРИШ ТАРТИБИ

 **СЭИ/БҒНШШ/К05к8Қ/ОШН000000**

### АННОТАЦИЯ

Жаҳон олимлари томонидан глобал иқлим ўзгаришлари, сув танқислиги, ерларнинг мелиоратив ҳолатини ёмонлашуви туфайли қўшимча сув захираларини яратиш ва сув тежовчи технологияларни жорий қилиш бўйича муайян йўналишларда илмий изланишлар олиб борилмоқда. Дунёда шўрланган ва шўрланишга мойил тупроқларда деҳқончилик қилиш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашда ўсимликларнинг фитомелиоратив таъсирдан фойдаланиш, экологик мувозанатни бузмасдан тупроқнинг физик хоссалари ва туз режимини яхшилаш ҳамда унумдорлигини оширишнинг истиқболли йўналишига айланмоқда.

**Калит сўзлари:** глобал иқлим ўзгариши, сув танқислиги, шўрланиш

**Хамидова Шахноза**

старший преподаватель Национального исследовательского  
университета "Ташкентский институт инженеров ирригации и  
механизации сельского хозяйства"

## РЕЖИМ ОРОШЕНИЯ ОЗИМОЙ ПШЕНИЦЫ СОРТА «КРОШКА»

.....

В связи с глобальными изменениями климата, дефицитом воды, ухудшением мелиорации земель мировыми учеными проводятся научные исследования по отдельным направлениям для создания дополнительных запасов воды и внедрения водосберегающих технологий. В мире перспективным направлением становится земледелие на засоленных и засоленных почвах, использование фитомелиоративного эффекта растений для улучшения мелиоративности, улучшения физических свойств и засоленности почвы без нарушения экологического баланса, повышения урожайности.

**Ключевые слова:** глобальное изменение климата, дефицит воды, соленость.

**Khamidova Shaznoza**

“Tashkent institute of irrigation and agricultural  
mechanization engineers” national research university

## IRRIGATION REGIME FOR WINTER WHEAT VARIETY “KROSHKA”

### ANNOTATION

In connection with global climate change, water shortages, and the deterioration of land reclamation, world scientists are conducting scientific research in certain areas to create additional water reserves and introduce water-saving technologies. In the world, farming on saline and saline soils, using the phytomeliorative effect of plants to improve land reclamation, improve the physical properties and salinity of the soil without disturbing the ecological balance, and increase productivity, is becoming a promising direction.

**Key words:** global climate change, water shortage, salinity.

**Кириш.** Тажриба даласида кузги буғдойни экиш учун дастлаб ер тайёрлаш ишлари амалга оширилди. Илмий тадқиқотлар давомида ўртача шўрланган тупроқлар шароитида кузги буғдойни экиш учун, дастлаб ер шудгорланиб, баланд паст жойлари длинабаз ёрдамида текистланиб, ерни намлатиш ва уруғни ундириб олиш мақсадида 750-800 м<sup>3</sup>/га меъёрида сентябр ойида суғориш ишлари амалга оширилди. Ер етилиши билан дала борона-молаланиб, дон экиш сеялкаси ёрдамида 250 кг/га меъёрида сара уруғ сарфланиб, октябр ойининг биринчи ўн кунлигида кузги буғдойнинг «Крошка» нави экилди. Минерал ўғитлардан фосфорли ўғитлар ерни экишга тайёрлаш жараёнида 100 % миқдорда (180 к/га соф ҳолда), азотли ўғитлар 50 кг/га миқдорида қўлланилди. Тадқиқотлар давомида экишдан сўнг 8-10 кун ўтгандан кейин кузги буғдойдан тўлиқ қўчат олинди. Баҳор келиши билан кузги буғдой даласида минерал ўғитлар бериш ва суғориш тадбирлари ўтказилди.

Минерал озиклантиришда аммиакли селитра ўғитидан фойдаланилди ва унинг йиллик меъёри ҳар бир гектар майдонга (соф ҳолда) 250 кг/га дан тўғри келди. Мавсум давомида кузги буғдой 5 марта суғорилди. Шунингдек, бегона ўтларга қарши бир марта пестицидлар қўлланилган бўлса, бошоқлаш даврида бегона нав ва бегона ўтлар қўл кучи ёрдамида далани тозалаш ишлари амалга оширилди.

Тажриба даласида экинларни етиштириш бўйича ўтказилган барча агротехник тадбирлар Бухоро вилояти Бухоро тумани учун тавсия этилган агротехник тадбирларга асосан амалга оширилди. Шунингдек, кузги буғдойни йиғиштириб олингандан сўнг, такрорий фитомелиорант экинлари бир муддатларда экилиб, парвариш қилиб борилди. Шу билан бирга фитомелиорант экинларидан оқ жўхори ва мош ўзининг ўсиб, ривожланиши ва ҳосил йиғишига қараб турли муддатларда суғориш ишлари олиб борилиб, турли муддатлар йиғиштириб олинди.

Кузги буғдойни етиштириш даврида тупроқнинг сув ўтказувчанлигини аниқлаш муҳим аҳамиятга эга. Тупроқнинг сув ўтказувчанлиги асосан суғориш тартибини белгилаш, тупроқнинг сув тутиб туриш қобилиятини аниқлашда катта аҳамият касб этади. Тупроқнинг сув ўтказувчанлиги ҳар йили уруғ экишдан олдин ва дон ўриб олингандан сўнг «ички ва ташқи халқалар» усулида 6 соат давомида 3-такрорланишда аниқланди. Олинган маълумотлар 4.2.2.1-жадвалда келтирилган.

Кузги буғдой даласида тупроқнинг сув ўтказувчанлиги ҳар йили уруғни экиш олдида ва ҳосил йиғиштириб олингандан сўнг аниқлаб борилди. Тажрибалар давомида уч йилда ўртача тупроқнинг сув ўтказувчанлиги вегетация даври бошида 855,2 м<sup>3</sup>/га ёки 0,238 мм/мин га тенг бўлган бўлса, хўжалик шароитида кузги буғдойнинг «Крошка» нави етиштирилган назорат даласида 715,4 м<sup>3</sup>/га ёки 0,199 мм/мин ни ташкил қилган бўлса, суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 70-80-75 %, маъдан ўғитлар меъёри N250; P180; K90 кг/га меъёрда қўлланилиб, етиштирилган кузги буғдой даласида тупроқнинг сув ўтказувчанлиги 733 м<sup>3</sup>/га ёки 0,204 мм/мин га тенг бўлди.

Кузги буғдой етиштиришнинг ўзига хос агротехник хусусиятларидан бири, унинг кузда экилиши ва қисман парвариш қилиниши, кейинги йили баҳорда эса парваришни давом эттириб, мўл дон ҳосили олишни таъминлашдир. Шунинг учун ҳам, кузги буғдойни етиштириш учун зарур бўлган барча агротехник тадбирлар шу муддатларга мослаштирилади. Масалан, ерни экишга тайёрлаш, уруғни тўлиқ ундириб олиш, экинни минерал озиклантириш, шўр ювиш каби тадбирлар кузда ўтказилса, баҳорги ўсув давридаги суғоришлар, азотли ўғитлар билан озиклантириш, бегона ўтларга қарши кураш, ҳосилни йиғиштириб олиш каби тадбирлар эса баҳор ойларида ўтказилади.

Шўрланган тупроқларда кузги буғдой етиштиришда тупроқ таркибидаги тузларнинг ўсимликлар таъсирини камайтириш мақсадида алоҳида махсус технология асосида шўр ювиш имкониятлари йўқ.

Шунинг учун, шўрланган ерларда кузги буғдой етиштиришда ўтказиладиган барча суғориш турлари бир томондан тупроқда намлик захирасини вужудга келтириш, уруғни ўз вақтида ва тўлиқ ундириб олиш ҳамда буғдойни ўсиши ва ривожланишини мўътадил таъминласа, иккинчи томондан бериладиган суғориш сувлари тупроқнинг фаол (0-100 см) қатламидаги тузларни ювиш, тупроқ эритмаси концентрациясини камайтириб, ўсимлик учун яхши шароит яратиб беришдир.

Бундай суғориш турларига уруғни тўлиқ ундириб олиш учун ер тайёрлашдан олдин суғориш, тупроқни шўрини ювиш учун суғориш ва ўсув давридаги суғоришлар киради. 2008 йилда, ўртача шўрланган тажриба майдонида 12 сентябрда 860 м<sup>3</sup>/га ҳисобида суғориш ўтказилди. Бу суғориш экишдан олдин тупроқни тўлиқ юмшатилишини таъминлади.

Умуман куз ойларида суғоришлар учун иккала вариантда ҳам бир марта суғориш ишлари амалга оширилди. Бу суғоришларга 856 м<sup>3</sup>/га сув берилди. Шунингдек, тажриба майдонида тупроқни шўр ювиш мақсадида январ ойида суғориш ишлари амалга оширилди. Бу суғориш ишлари ҳам шўр ювиш ҳам суғориш вазифасини бажариб беради. Тажриба майдонида кузги буғдойни баҳорги ўсув давридаги суғоришлар сони, муддати ва меъёрлари 2008-2011 йилларда иккала вариант учун ҳам бир хил бўлди.

2008-2011 йилларда тажрибаларнинг 1-вариантида хўжалик шароитида етиштирилган кузги буғдойнинг «Крошка» навини етиштириш учун сарфланган мавсумий сув сарфи 6182 м<sup>3</sup>/га га тенг бўлиб, бунда асосан уру-ни ундириб олиш учун нам суви ҳамда қиш даврида кузги буғдой даласини шўрини ювиш учун сарфланган сув миқдори ҳам ҳисобга олинди. Кузги буғдой мавсум давомида 4 марта суғориш ишлари амалга оширилди. Тадқиқотларнинг 2- варианты, яъни суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 70-80-75 %, маъдан ўғитлар меъёри N250; P180; K90 кг/га меъёрда (Бухоро Ғаллачилик илмий тадқиқот институти тавсиясига асосан, А.Жўраев) қўлланилиб, етиштирилган кузги буғдой даласида эса, мавсумий сув сарфи 5326 м<sup>3</sup>/га ни ташкил этиб, назорат вариантыга нисбатан 856 м<sup>3</sup>/га га кам сув сарфланди Ушбу вариантда ҳам нам тўплаш мақсадида суғориш ҳамда қишги даврда шўр ювиш ишларига сарфланган сув миқдорлаги қўшиб ҳисобланди. (1-жадвал).

Тажрибалар давомида ўртача уч йилда назорат, 1-вариантида, мавсумий сув сарфи 6139 м<sup>3</sup>/га ни ташкил қилган бўлса, тажрибаларнинг 2-вариантида кузги буғдойнинг мавсумий сув сарфи 5363 м<sup>3</sup>/га га тенг бўлиб, назорат вариантыга нисбатан 776 м<sup>3</sup>/га кам сув сарфланди. Тажрибаларнинг 2-вариантида суғориш тартибига қатъий амал қилган ҳолда тупроқда етишмаган намлик дефицити асосида суғориш ишлари амалга оширилди. Бу эса суғоришга сарфланадиган сув ресурсларини иқтисод қилишга ва ўсимликнинг нормал ўсиб ривожланишига қулай шароит яратди.

**Қўядвал.**

**Кузги буғдой тажриба даласида ўтказилган суғориш турлари, сонлари, муддатлари ва меъёрлари**


Вариантлар	Кузги-қишқи суғоришлар			Баҳорги ўсув давридаги суғоришлар			Мавсумий	Умумий сув	жами
	Ерни тайёрлаш ва экишдан	Кузги суғориш	Шўр ювиш учун суғориш	1	2	3			
1	2	3	4	6	7	8	9	10	11
<b>2008-2009 йиллар</b>									
1	860 11.09.	1092 15.11.	1168 24.01.	1136 13.03.	984 16.04.	942 12.05.	3120	3062	6182
2	860 11.09.	845 15.11.	1058 24.01.	806 13.03.	822 16.04.	935 12.05.	2763	2563	5326
<b>2009-2010 йиллар</b>									
1	880 14.09.	1065 16.11.	1136 02.02.	1124 16.03.	985 08.04.	934 06.05.	3081	3043	6124
2	880 14.09.	812 16.11.	1006 02.02.	862 16.03.	904 08.04.	928 06.05.	2698	2694	5392
<b>2010-2011 йиллар</b>									
1	830 12.09.	1058 12.11.	1165 28.01.	1096 12.03.	1008 05.04.	955 08.05.	3053	3059	6112
2	830 12.09.	832 12.11.	1034 28.01.	856 12.03.	896 05.04.	922 08.05.	2696	2674	5370

Тажриба майдонида сизот сувлари сатҳини ўзгариш даражасини ўрганиш учун ҳар бир тажриба майдонига уч донадан кузатув қудуғи ўрнатилди. Кузатув қувурларининг чуқурлиги 3,5 м бўлиб, унинг қуйи 1,5 м қисми кичик ( $d=5$  мм ли) тешикчалардан иборат ва улар махсус филтёр билан ўралган. Кузатув қудуқларидаги сизот сувларининг чуқурлиги вегетация даврида ҳар ойда 3 марта (ҳар 10 кунда бир марта) аниқлаб борилди. Ўлчаш натижалари 2-иловада келтирилган.

Жадвал маълумотларини кўрсатишича, кузги буғдой экилган далада сизот сувларининг жойлашиш чуқурлиги мавсум давомида ойма-ой ўзгариб туриши ва уларнинг тажриба майдонларида ҳам ҳар хил чуқурликда жойлашиши кузатилди. Кузги буғдой даласида сизот сувларининг мавсумий ўртача жойлашган ўрни: 2008-2009 йилларда назорат даласида 201 - 205 см ни, суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 70-80-75 % да суғорилган дала 205 см ни ёки назорат вариантыга нисбатан 4 см юза пастда жойлашганлиги кузатилди. Уч йилда ўртача назорат, 1- вариантда - 203 см ни, тажрибаларнинг 2-вариантида 206 см ташкил қилди.

Тажрибалар давомида сизот сувларининг ер юзаси энг яқин жойлашган даври июл ойи кузатилган бўлиб, бунда сизот сувлари сатҳи 180-185 см га тенг бўлиб, ер юзаси нисбатан энг чуқур жойлашган даври октябр ва ноябр ойларида кузатилди. Ушбу даврда сизот сувлари сатҳи

222-242 см ни ташкил қилди. Сизот сувларининг йил давомида ўзгариш амплитудаси ўртача уч йилда назорат вариантыда 49 см га тенг бўлган бўлса, тажрибаларнинг 2-вариантида, яъни суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 70-80-75 % да суғориш ишлари амлага оширилганда 57 см га тенг бўлди. Олиб борилган тадқиқотлардан кўринадики, тажрибаларда суғориш меъёрига қатъий амал қилиниб, суғориш ишлари амалга оширилса, уларнинг сатҳи барқарор ушлаб турилади.



**1-Расм. Тажриба майдонида сизот сувлари сатҳи**



Тадқиқотлар давомида тужриба даласида сизот сувларининг минераллашганлик даражасини ўрганиш мақсадида ҳар бир тажриба майдонидаги кузатув қудуғидан ҳар ойнинг декадасидан сув намуналари олиниб, уларнинг минераллашганлик даражаси вилоят мелиоратив экспедициясининг махсус лабораторияси шароитида аниқлаб борилди.

Олинган маълумотлар 2-жавдалда келтирилган. Жадвал маълумотларига кўра сизот сувларининг йиллик ўртача минераллашганлик даражаси: 2008-2011 йилларда – 2,6 - 5,7 г/л бўлди. Сизот сувларининг минераллашганлик даражаси мавсумий ўзгаришга ҳам эга бўлди, бунда куз-қиш даврларида сизот сувларининг минерализацияси 3,8-3,9 г/л ни ташкил қилган бўлса, баҳор ёз ойларида нисбатан пастроқ бўлганлигини кўриш мумкин. Яъни тажриба майдонида баҳор ёз даврида сизот сувларининг минерализацияси 3,5-3,6 г/л ни ташкил қилди. Қиш ойларида сизот сувлари таркибидаги тузларнинг юқори бўлиши асосан куз-қиш даврларида шўр ювиш ишлари олиб борилиб, тупроқдаги тузларни шўр ювиш орқали сизот сувларига келиб қўшилганлиги билан изоҳлаш мумкин.

Юқорида келтирилган сизот сувлари ва коллектор – зовур сувларининг минераллашганликларидан ташқари, тажриба майдонлари шўрини ювиш ва экинларни суғориш учун фойдаланилган сувнинг минерализацияси ҳам аниқланиб борилди.

Суғоришга ишлатилган дарё сувлари 2008 – 2011 йилларда мавсум давомида 0,8-1,2 г/л атрофида; Дарё сувларининг минерализацияси юқори бўлган давр, шўр ювиш даврдан суғориш даврининг бошланишига қадар кузатилди. Шўр ювиш даврида дарё сувларининг минерализацияси 1,0-1,2 г/л ни ташкил қилиб, нисбатан кам минерализация эса, экинларнинг ўсув даврида эса 0,8-0,9 г/л бўлганлиги қайд қилинди. Шўр ювиш жараёнларида дарё сувларининг минерализациясининг ошишига асосан қиш ойларида шўр ювиш ишларига Тўдакўл сув омборидан катта миқдорда омбор сувларининг чиқарилиши ҳисобига сувнинг минераллашганлиги ошиши кузатилди.

Бухоро вилоятининг ўртача шўрланган тупроқлари шароитида кузги буғдойнинг «Крошк» навини суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 70-80-75 % да суғорилган далада вегетация давомида тупроқ таркибидаги тузлар миқдорининг ўзгариши таҳлил қилиб борилди. Кузатувларда кузги буғдойни фермер хўжаликлари хўжал шароитида етиштирилган вариант билан солиштирилган ҳолда кузатувлар олиб борилди. Кузатувларда натижаларида кузга буғдой даласида тузлар миқдорининг ўзгариши таҳлил қилинди ва натижалар 3-иловада келтирилган.

Тажриба майдонида 2008-2011 йилларда тупроқ таркибидаги тузлар миқдори уруғни экишдан олдин ва ҳар бир суғоришдан олдин ва суғоришлардан кейин, тупроқ намуналари олиниб, лаборатория шароитида тузлар (хлор иони, гидрокарбонат, сульфат иони ҳамда қуруқ қолдиқ миқдорлари аниқлаб борилди) миқдори аниқланди. Тажриба майдонида тупроқдаги хлор иони миқдори таҳлил қилинганда, уч йилда ўртача кўрсаткичлар дастлаб, кузги буғдойни экишдан олдин ҳайдов (0-30 см) қатламда 0,012 % ни, 0-100 см қатламда 0,010 % ни ташкил қилган бўлса, вегетация охирида тупроқдаги хлор иони миқдори назорат, яъни 1-вариантда ҳайдов (0-30 см) қатламда 0,032 % га ни, 0-100 см қатламда 0,035 % ни ташкил қилиб, вегетация бошига нисбатан 0,020-0,025 % гача ошди.



## Хулоса

1. Фитомелиорант ўсимликлари етиштирилган вариантда тупроқдаги хлор иони миқдори дастлаб ҳайдов қатламида 0,015 % га, 0-100 см қатламда 0,012 % га тенг бўлган бўлса, вегетация охирига бориб, шудгорлаб қўйилган далада бу кўрсаткичлар 0,045 % ва 0,040 % га ни ташкил қилди. Фитомелиорант экин сифатида оқ жўхори экилганда бу кўрсаткичлар 0,033 ва 0,029 %, мош экилганда 0,036 ва 0,032 % га тенг бўлиб, назорат даласига нисбатан хлор иони 0,008-0,012 % га кам йиғилган. Мавсумий туз тўпланиш коэффициентлари хлор иони бўйича оқ жўхори экилган далада 2,3 ни, мош етиштирилган далада 2,6 ни ва шудгорлаб, экин экилмаган далада 3,3 ни ташкил этди.

2. Тажриба даласида энг юқори шўр ювиш меъёри шудгорлаб қўйилган назорат вариантыда - 5383 м3/га ни ташкил қилди. Фитомелиорант сифатида оқ жўхори экилган 2-вариантда мавсумий шўр ювиш меъёри 2380 м3/га ни, мош экилган 3-вариантда эса, шўр ювиш меъёри 3403 м3/га ни ташкил қилиб, назорат вариантыга нисбатан 37-56 % ёки 1980-3003 м3/га кам сув сарфланди.

3. Тажриба даласида кузги буғдойдан сўнг шудгорлаб экин экилмай, шўр ювилган даланинг умумий сув сарфи 12639 м3/га га тенг бўлган бўлса, фитомелиорант сифатида оқ жўхори етиштирилган далада умумий сув сарфи 10668 м3/га га тенг бўлиб, назорат вариантыга нисбатан 1971 м3/га га кам сув сарфланди. Шунингдек, фитомелиорант сифатида мош етиштирилганда даланинг умумий сув сарфи 11723 м3/га га тенг бўлиб, назорат даласига нисбатан 916 м3/га га кам сув сарфланди. Тажриба майдонида назорат вариантда 1 центнер буғдой дони ҳосили етиштириш учун сарфланган суғориш суви миқдори 111,5 м3, фитомелиорант экини сифатида оқ жўхори экилган далада 1 центнер буғдой ва оқ жўхори донлари етиштириш учун 80,93 м3 ҳамда 1 центнер буғдой ва мош дони етиштириш учун 100,93 м3 сув сарфланди.

4. Кузги буғдойни йиғиштириб олингандан сўнг фитомелиорант ўсимлиги экилган даланинг сув мувозанати мавсумда “манфий” (сарф қисми кирим қисмига нисбатан 3536 м3/га кўп) қайд қилинди. Бу ҳолатнинг асосий сабаби, кузги буғдойни йиғиштириб олингандан сўнг тупроқ таркибида туз тўпланиши ва уни ювиш учун сарфланган шўр ювиш меъёрининг юқорилиги ҳисобланади.

## Фойдаланган адабиётлар рўйхати

1. Атабаева Х.Н., Мамедов Н.М. Кузги буғдойдан кейин масхар ўсимлигининг ҳосилдорлиги. Тупроқ унумдорлигини оширишнинг илмий ва амалий асослари: Халқаро илмий-амалий конференция маърузалари асосидаги мақолалар тўплами. 1.Т. –Тошкент, 2007. 251-253-б.
2. Атакулов Т.У. Янгидан суғориладиган типик бўз тупроқлар шароитида суғоришлар режимининг кузги буғдой ҳосилдорлигига таъсири. к. х. ф. номзоди илмий даражасини олиш учун диссертация автореферати. - Т., 2003. 16-б.
3. Азизов Б.. ва бошқалар. Формирования урожая озимой пшеницы при разных режимах орошения ЎзҚСХВ, ЎзИИЧМ, ЎзПИТИ, ИКАРДА Тош-кент, 2007. 400-401-б.
4. Артукметов З.А. Шералиев Х.Ш. Экинларни суғориш асослари. Дарслик. Тошкент. 2008 й. 344-б.
5. Алексеев А.М. Буғдой барглари ўсишига тупроқ қурғоқчилигининг таъсири. Маданий ўсимликлар тупроқшунослиги ва физиологияси бўйича илмий анжуман илмий тўплами. 2-жилд, Саратов, 1938. 246-273-б.
6. Алексеев А.М. Ўсимликлар сув тартиби ва унга қурғоқчиликнинг таъсири. Қозон, 1948. 355-360-б.
7. Бараев Ф.А, Муродов Р.А. Сирдарё вилояти суғориладиган тупроқларининг мелиоратив ҳолати ва унумдорлигини ошириш йўллари // Фермер хўжаликларида пахтачилик ва ғаллачиликни ривожлантиришнинг илмий асослари: Халқаро илмий-амалий конференция маърузалари асосидаги мақолалар тўплами. - Тошкент, 2008. 276-279-б.



ISSN .. 81-9904

Hoi Journal 10.26739/2181-9904

# АГРО ПРОЦЕССИНГ ЖУРНАЛИ

5 ЖИЛД, 3 СОН

ЖУРНАЛ АГРО ПРОЦЕССИНГ

ТОМ 5, НОМЕР 3

JOURNAL OF AGRO PROCESSING

VOLUME 5, ISSUE 3

ЕНВЕЎКХЭПШВСОМШВКЪШ а а ҒЖЫЫНӨ

Tadqiqot LLC the city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)

Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналовга а а ҒЖЫЫНӨ

ООО Tadqiqot город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)

Тел: (+998-94) 404-0000